
ФАРҒОНАДА “АДАБИЁТ КУНЛАРИ” ЎТКАЗИЛАДИ

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоровнинг жорий йилнинг 23 октябрь куни қабул қилган фармойишига асосан ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида вилоятимизда “Адабиёт кунлари” ўтказилади.

Адабиётшунос олим Умарали Норматов таваллудига 90 йил, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудига 85 йил, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир, драматург Сайдали Одиллов таваллудига 80 йил тўлганлиги, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш ҳамда риштонлик истеъдодли ёзувчи Исажон Султон “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони билан тақдирлангани муносабати билан уларнинг ижодий меросини ўрганиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги аҳамиятини инобатга олиб, таниқли шоир ва адибларнинг таваллуд кунлари ҳамда хотира кечасини “Адабиёт кунлари” тарзида вилоятимиз миқёсида кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштиришга қарор қилинди.

“Адабиёт кунлари” доирасида Қўқон давлат мусиқали драма театрида Умарали Норматовнинг ва Марғилондаги Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-ижодий конференциялар, Олтиариқ маданият марказида Анвар Обиджоннинг хотира кечаси, Риштон тумани “Халқаро кулолчилик маркази”да Исажон Султоннинг ва Фарғона шаҳрида Сайдали Одилловнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий учрашувлар ўтказилиши белгиланди.

Ушбу ижодкорларнинг ижодий-маданий меросини чуқур ўрганиш, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, маънавий меросимиз дурдоналарини ёшлар қалбига сингдириш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-11-02 19:54:18